

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УЧАСТКА
САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 3 февралдаги 681-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти бошлиғи С. Қурбанкулов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 сентябрь,
№ 739.

Ўзбекистон Республикаси
 Марказий сайлов комиссиясининг
 2016 йил 23 сентябрдаги
 739-сон қарорига илова

**“УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК
 КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ
 ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. **15-банд** қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Участка сайлов комиссияси раисининг гувоҳномаси округ сайлов комиссияси раиси томонидан имзоланади ва округ сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади (1а-илова).

Участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзоларининг гувоҳномалари участка сайлов комиссияси раиси томонидан имзоланади ва участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади (1б-илова)».

2. **6-боб** матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайловчи сайловчиларнинг фақат битта рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудига доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқаролар (Ўзбекистон Республикаси барча фуқаролари) сайловчилар рўйхатига киритилади.

Суд томонидан лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

30. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан тегишли ахборотни тўплаш орқали сайловчиларнинг ҳисоби юритилишини таъминлайди.

Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун участка сайлов комиссиялари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларидан тегишли ҳудудда яшовчи сайловчилар тўғрисида зарур маълумотларни олади.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади.

Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида, қамоқда сақлаш жойларида ташкил этилган сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссияси томонидан ушбу муассасалар раҳбарлари тақдим этган

маълумотлар асосида тузилади.

31.Тегишли ҳудудда яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотлар олингач, участка сайлов комиссияси сайловчилар тўғрисида ҳокимликлар берган маълумотларнинг тўғрилигини уйларга бориш (хонадонларни бирма-бир айланиб чиқиш) орқали текширади (сайловчилар рўйхатини аниқлаштиради).

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига жамоатчилик вакиллари жалб қилиши мумкин.

Уйларга бориб айланиш вақтида фуқаролар сайлов куни ушбу участка ҳудудида бўлиши-бўлмаслигига аниқлик киритилади.

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинчалик яшаётган фуқаролар бўлса, уларнинг овоз бериш куни ушбу ҳудудда бўлиши-бўлмаслиги ўзаро суҳбат чоғида аниқланади.

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинчалик яшаётган фуқаролар билан шахсан суҳбат қуриш имконияти бўлмаса, улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди.

Агар сайлов участкаси ҳудудида вақтинчалик яшаётган фуқаролар билан шахсий суҳбат чоғида улар овоз бериш куни ушбу ҳудудда бўлиши аниқланса, бундай фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилади. Бунда участка сайлов комиссияси ушбу фуқаролар доимий яшайдиган участка сайлов комиссияларига ушбу фуқароларни уларнинг яшаш жойи бўйича сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташлаш зарурлиги ҳақидаги ахборотни етказиш чораларини кўради.

32.Участка сайлов комиссияларининг алоқа боғлаш мумкин бўлган маълумотлари, ушбу участкага оид манзиллар кўрсатилган ҳолда сайлов округлари кесимида Марказий сайлов комиссияси расмий сайтига жойлаштирилади.

Сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш ишлари олиб борилаётган вақтда фуқароларга муддатидан олдин овоз бериш имконияти ва бошқа ҳуқуқлар тушунтирилади.

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинчалик яшаётган фуқароларнинг муддатидан олдин овоз беришини ташкил этишда участка сайлов комиссияси ушбу фуқаролар доимий яшайдиган участка сайлов комиссияларига ушбу фуқароларни уларнинг яшаш жойи бўйича сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташлаш зарурлиги ҳақидаги ахборотни етказиш чораларини кўради.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида сайловчилар рўйхати тузилаётганда участка сайлов комиссияси ушбу фуқаролар доимий ёки вақтинчалик яшайдиган участка сайлов комиссияларига ушбу фуқароларни уларнинг доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташлаш зарурлиги ҳақидаги ахборотни етказиш чораларини кўради.

33.Сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш ишлари тамом бўлгач, участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузади.

Сайловчилар рўйхати босма тарзда тузилади.

Сайловчиларнинг фамилиялари овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

Сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади ҳамда участка сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланади.

Сайловчилар рўйхати сайловдан ўн беш кун аввал ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, узоқ ва бориш қийин туманларда, қамоқ сақлаш жойларида ташкил этилган сайлов участкаларида эса сайловчилар рўйхати сайловдан икки кун аввал ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади (2а-илова).

Участка сайлов комиссияси сайловчиларни рўйхат билан танишиб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилади.

34.Фуқароларга участка сайлов комиссиясининг хонасида сайловчилар рўйхати билан танишиб чиқиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имконияти берилади.

Сайловчилар рўйхатида хато ва ноаниқликлар аниқланган тақдирда ҳар бир фуқаро участка сайлов комиссиясига мурожаат этишга ва сайловчилар рўйхатига киритилмаганлиги, нотўғри киритилганлиги ёки рўйхатдан чиқариб ташланиши кераклиги, шунингдек рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилишида йўл қўйилган ноаниқликлар устидан шикоят қилишга ҳақли.

Бу масала бўйича ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соатдан кечикмай, сайлов арафасида ва сайлов куни эса дарҳол аризани кўриб чиқиши, рўйхатга зарур ўзгартишлар киритиши ёхуд ариза берувчига унинг талаби рад этилганлиги тўғрисидаги асосли қарор нусхасини бериши шарт.

35.Участка сайлов комиссияси мурожаатни ўрганиб чиқиб:

фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш;

фуқарони сайловчилар рўйхатидан чиқариш;

сайловчилар рўйхатига тузатиш киритиш;

сайловчилар рўйхатини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилади.

36.Қуйидилар сайловчилар рўйхатига киритиш учун асослар бўлиши мумкин:

сайловчининг тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинчалик яшаши;
ёши 18 га тўлганлиги;

сайловчи фуқаронинг лаёқатлилиги чекланганлиги бекор қилинганини ёки фуқаронинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар нусхалари мавжуд бўлса.

37.Қуйидагилар сайловчилар рўйхатидан чиқариш учун асослар бўлиши мумкин:

бошқа сайлов участкаси сайлов комиссиясининг ўз ҳудудида вақтинча яшовчи фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш ва ушбу фуқарони унинг доимий яшаш жойи бўйича сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташлаш зарурлиги тўғрисидаги хабари;

фуқаронинг бошқа доимий ёки вақтинча яшаш жойига жўнаб кетиши ва овоз бериш куни сайлов участкаси ҳудудида унинг ҳозир бўлмаслиги;

фуқаронинг лаёқатлилиги чекланганлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар нусхалари мавжудлиги ёки фуқаронинг озодликдан маҳрум этиш жойларига жазони ўташ учун олиб кетилиши ва бошқалар.

38.Қуйидагилар сайловчилар рўйхатига тузатишлар киритиш учун асос ҳисобланади:

фуқаро фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгариши;

сайловчилар рўйхатида мавжуд бўлган бошқа ноаниқликлар ёки хатолар.

39. Сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшовчи ва сайловчилар рўйхатига аниқлик киритилаётганда рўйхатга киритилмаган (31-банд) фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритаётганда участка сайлов комиссияси ушбу фуқаро аризаси асосида фуқаро доимий ёки вақтинча яшайдиган участка сайлов комиссиясига уни сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташлаш зарурлиги тўғрисидаги ахборотни етказиш чораларини кўради.

Қамоқда сақлаш жойларида бўлган фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритишда қамоқда сақлаш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссияси бундай фуқаролар доимий ёки вақтинча яшайдиган участка сайлов комиссиясига уларни сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташлаш зарурлиги тўғрисидаги ахборотни етказиш чораларини кўради.

39¹. Овоз бериш куни ҳар бир сайловчи тузиладиган сайлов бюллетени олганини тасдиқлаб, сайловчилар рўйхатидаги фамилиясининг қаршисига имзо чекади (2б-илова).

Овоз бериш куни у ёки бу сабабларга кўра сайловчилар рўйхатига киритилмаган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат асосида тузиладиган сайловчилар рўйхатига иловлага киритилиши мумкин (2в-илова).

39². Участка сайлов комиссиясининг қарори устидан сайлов кунидан камида уч кун олдин туман (шаҳар) судига шикоят қилиш мумкин. Мазкур суд йигирма тўрт соат ичида шикоятни кўриб чиқиши шарт.

Туман (шаҳар) судининг қарори узил-кесилдир. Суд қарорига кўра сайловчилар рўйхатига тузатиш участка сайлов комиссияси томонидан дарҳол киритилади.».

3. **86-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«86. Сайлов қутиларидаги бюллетенлар ва сайлов варақалари асосида комиссия:

- 1) участка бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;
- 2) сайловчилар рўйхати иловасига киритилган сайловчилар сонини;
- 3) олинган сайлов варақалари сонини;
- 4) олинган сайлов бюллетенлари сонини;
- 5) сайлов варақалари олган сайловчилар умумий сонини;
- 6) сайлов бюллетенлари олган сайловчилар умумий сонини;
- 7) овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонини;

шундан:

муддатидан олдин овоз берган сайловчилар сонини;

кўчма қути орқали овоз берган сайловчилар сонини аниқлайди;

8) фойданилмаган ва бузилган сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақалар умумий сонини;

шундан:

сайлов бюллетенлари сонини;

сайлов варақалари сонини;

9) ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;

шундан алоҳида-алоҳида ҳар бир номзодга берилган овозлар сонини;

10) ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари умумий сонини аниқлайди;

шундан:

сайлов бюллетенлари сонини;

сайлов варақалари сонини.».

4. **13-модда** матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«103. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Округ сайлов комиссияси фаолияти Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ва маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага мувофиқ молиялаштирилади.

104. ОСК тегишли УСК харажатларини ОСК шахсий ғазна ҳисобварағидан ушбу УСК учун харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширади.

105. Сайлов комиссияси аъзоси комиссия қарорига кўра сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақини сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод этилиши ёки ўзининг асосий иш жойидан ойлик иш ҳақи тўланишини сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида иш жойига эга бўлмаган шахсларга ҳамда ОСК ва УСК аъзолари ва ходимлари бўлган пенсионерларга ОСК харажатлар сметаларида тасдиқланган миқдорларда ойлик иш ҳақи тўланади.

106. Тегишли ОСК ва УСК қарорлари асосида юқорида қайд этилган аъзоларга ўртача ойлик иш ҳақи кўрсатилган ҳолда асосий иш жойидан хизмат ёки ишлаб чиқариш мажбуриятларини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги фармойишлар (буйруқлар ва ҳоказолар) нусхалари тақдим этилганда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилган ОСК ва УСК аъзоларига ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.

107. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида МСК томонидан харид қилинган ОСК ва УСК моддий қадриятлари белгиланган тартибга мувофиқ ҳисобга олинади ва сақланади.

ОСК (УСК) товар-моддий бойликлари қолдиқлари ОСК (УСК қарорига ва ОСК (УСК) масъул шахси томонидан имзоланган товар-моддий бойликлар қабул қилиш-топшириш ҳужжатларига кўра сайлов яқунлари эълон қилингандан кейин 5 иш кунидан кечикмай туман ёки шаҳарнинг тегишли ҳокимлиги балансига бепул асосда қабул қилинади».

5. Қуйидаги мазмундаги **109¹-109⁴-бандлар билан тўлдирилсин:**

«109¹. Участка сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар, агар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш мазкур участка сайлов комиссияси ваколатига кирмаса, икки кунлик муддатда тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат этган шахсга хабар қилинади.

109². Мурожаат участка сайлов комиссиясига келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида кўриб чиқилади. Мазкур участка сайлов комиссияси масалани моҳиятига кўра ҳал этиши шарт. Агар мурожаат сайловга 6 кундан кам қолганда берилган бўлса, мурожаат дарҳол кўриб чиқилади.

109³. Мурожаатни кўриб чиққан сайлов комиссияси аъзолари мурожаат этган шахсга кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида хабар қилиши шарт.

109⁴. Қуйидагилар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахслар вакиллари орқали юборилган мурожаатлар, агар уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мос келмайдиган мурожаатлар».

6. **116-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«116. Туманлар ва шаҳар ҳокимликларига ҳужжатлар рўйхати тузилгандан кейин қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида рақамланган варақларда қуйидагилар тақдим этилади:

сайлов варақалари;

сайлов бюллетенлари;

сайловчилар рўйхатлари;

участка сайлов комиссияси баённомалари ва комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари;

участка бўйича овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённоманинг иккинчи нусхаси;

кузатувчилар рўйхатлари;

участка сайлов комиссияси фаолияти даврида кўриб чиқилган мурожаатлар;

сайлов участкаси харитаси;

комиссия муҳри;

Марказий сайлов комиссияси низомлари ва йўриқномалари ҳамда бошқа ҳужжатлар.».

7. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларга бириктирилган 1 ва 2-иловаларга мувофиқ **1а ва 1б-иловалари** билан тўлдирилсин.

8. **2-илова** ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларша бириктирилган 3-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

9. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларга бириктирилган 4, 5 ва 6-иловаларга мувофиқ **2а, 2б ва 2в-иловалари** билан тўлдирилсин.